

instruktaj áhmiyetli orındı iyeleydi. Bunda kirisiw, kúndelikli hám juwmaqlawshı intruktajlar; frontal, zveno hám jeke instruktajlar; awızeki, jazba, grafikalıq instruktajlar qollanıwı múmkin. Basqasha aytqanda, dógerek shınıǵıwlarında texnologiya pánine tán bolǵan instruktajdıń barlıq túrleri ushıraydı.

Dógerek shınıǵıwlarında oqıwshılar jumısın shólkemlestiriwdiń tómendegi oqıtıw formalarınan paydalanıw maqsetke muwapıq boladı:

- teoriyalıq maǵlıwmatlar, ámeliy shınıǵıwlar (maǵlıwmatlar hám texnologiyalardı ańlap alıw, aqılıy qızıǵıwshılıǵın rawajlandırıw, teoriyalıq bilimlerdi bekkemlew);

- dóńgelek stol dógereginde sóylesiwler (kórilip atırǵan tapsırmalar sheshimleri boyınsha usınıs beriw qábiletin asırıw, esitiw, túsiniw hám tuwrı sheshimler shıǵarıw);

- báseki hám pikirlesiwler (tapsırmalar sheshimi boyınsha dáliller hám tiykarlı argumentlerdi beriw, esitiw hám mashqalalar sheshimin tabıw qábiletin rawajlandırıw) [2].

Oqıwshılar jumısın shólkemlestiriwdiń qanday formasınıń tańlanıwı dógerek shınıǵıwlarında ayrıqsha dıqqattı tartatıwın miynet obektlerine kóp tárepten baylanıslı boladı. Buǵan sebep, klasstan tısqarı jumıs processinde bir waqıttıń ózinde tómendegi eki jaǵdaydı esapqa alıwǵa tuwra keledi:

1) jámaát miyneti eń úlken tárbiyalawshı imkaniyatlarǵa iye.

2) oqıwshılar óz qızıǵıwın qanaatlandıratıwın hám óz betinsheligin tolıq kórsetiwge imkaniyat beretıwın jeke tapsırmalardı orınlawǵa tırsadı.

Juwmaqlastırıp aytqanda klastan tısqarı jumıslardı durıs shólkemlestiriw jas áwladtıń maman qanıǵe bolıp jetilisiwinde áhmiyetli orın tutadı.

Ádebiyatlar

1. Davlatov K. Mehnat va kasb tálim-tarbiyasidan amaliy mashg'ulotlar. - T.: «Wqituvchi», 1995, 267-b.

2. Turakulov X.A., Sharipov Sh.S. Talabalar ixtirochilik ijodkorligini rivojlantirish. Uslubiy tavsifnoma. – Jizzax: 1998, 36-b.

REZYUME

Maqolada umumta'lim maktablarida sinfdan tashqari ishlarni samarali tashkil etish orqali yosh avlodni yetuk mutaxassis qilib yetishtirishga erishish haqida so'z qilingan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы воспитания молодого поколения и подготовки высококвалифицированных специалистов при помощи эффективной организации внеклассной работы в общеобразовательных школах.

SUMMARY

The article deals with the education of the young generation in order to prepare highly educated specialists with the help of the effective organization of out-of-class work in secondary educational schools.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ МУСИҚА САНЪАТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Ы.Ж.Моянов – педагогика фанлари бўйча фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: мусиқа, маънавият, санъат, бахши-жиров, халқ кўшиқлари, маънавий-ахлоқий фазилат, халқ анъаналари, афсона ва ривоят, тарбия, гўзаллик, маданият, урф-одат, анъана, қадрият, ўқувчи, илм, маърифат.

Ключевые слова: музыка, духовность, искусство, бахши-жирова, народные песни, моральные достоинства, народные традиции, миф и легенда, воспитание, красота, культура, обычай, традиции, ученик, образование, просвещение.

Key words: music, spirituality, art, bakshi-jiraw, folk songs, moral virtues, folk traditions, myth and legend, upbringing, beauty, culture, tradition, value, student, science, education, enlightenment.

Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” Шу боис, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак [1] деган Президент Ш.Мирзиёевнинг фикрлари янги ўн йилликка қадам қўйилган бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини кўрсатади. Чунки бугунги ўқувчи миллат номини тараннум этувчи эртанги кун ворисидир.

Мамлакатимизда илм-фанни янада раванк топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”, деб ном берилиши, юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда [1].

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида халқ мусиқа санъатини ўрганиш концепциясида жамиятнинг моддий-маънавий ривожланишига қадриятлар, тарбия воситаси бўлган миллий мусиқа санъати ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Маънавий қадриятлар мустақиллигимизнинг барқарорлиги, ривожланиши учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишини унутмаслик лозим. Шаҳсада маънавий-ахлоқий тарбия одоб-ахлоқ қоидалари замирида шаклланиб боради. Шарқона тарбия мезонларида иймон, эътиқод тушунчалари негизида маънавий-ахлоқий маданиятнинг моҳияти мужас-

самлашгандир.

Асрлар давомида инсон онгида вужудга келиб, шаклланиб, тараккий этаётган қорақалпоқ халқ кўшиқлари ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти таълимида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш воситаларидан бири қорақалпоқ халқ кўшиқларидир. Бундай халқ кўшиқлари турли байрам ва тантаналарда айтилиши билан бир қаторда, мусиқа маданияти дарсларида ҳам ўрганилади. Бу жараён ўқувчиларнинг ўзлигини англашга ёрдам бериб, фаоллигини оширади. Ўқувчиларни халқ кўшиқлари орқали маънавий-ахлоқий тарбиялаш, аввало, уларда гўзалликни, санъатни қалбани ҳис қилишни такомиллаштиради. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, индивидуаллигини ҳисобга олиш, мусиқани идрок қилиш, уни таҳлил қила олишга ўргатиш педагогик-психологик шарт-шароитларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқдир.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Соғлом ва хавфсиз таълим муҳити” [2]ни яратиш, ўқувчи ёшларимизни “оммавий маданият” “медиа технологияларнинг салбий таъсирлари” ва “бузғунчи, вайронкор” ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этиши, эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчаларининг теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини, умумий ўрта таълим мактабларида қорақалпоқ халқ мусиқа санъатини ўрганишнинг педагогик мазмуни, самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларни Қорақалпоқ халқ кўшиқлари орқали тарбиялаш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Ана шу ғоялардан келиб чиқиб педагоглар олдида қуйидаги вазифалар туради:

- мамлакатимиз равнаки учун турли миллат, ирк ва динга мансуб бўлган кишилар ва гуруҳларнинг “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” [1] шиори остида ҳамжиҳатликда яшаши ва ҳаракат қилишига барча шарт-шароитлар яратилганлигини ўқувчилар чуқур ҳис этишлари учун имконият яратиш керак;

- илм фан ва технология янгиликлари орқали ўқувчиларни санъат соҳаси ютуқлари ва миллий кадриятларимиз билан таништириш;

- ўқувчиларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, халқимизнинг ва жамиятимизнинг манфаатларига мос ёшлар ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш;

- ўзи яшаётган жамият, мамлакат ёки давлатнинг мақсадини, уни ифода этадиган ғояларни билиши, аниқ тасаввур этиши, онг ва тафаккурдан жой олишига эришиш керак.

Қорақалпоқ халқ кўшиқлари орқали 5–7-синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда мусиқа санъатининг мақом ва мумтоз ашула жанрларига мансуб намуналар ҳам ўзининг қулайлиги ҳамда тингловчиларга тез етиб бориши билан ажралиб туради. Халқ кўшиқларида миллатнинг анъаналари, расм-русумлари, маданияти ўз ифодасини топганлиги боис мусиқа таълими ўқувчилар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. Қузатишларга қараганда мусиқага бўлган қизиқиш кичик мактаб ёшидан ниҳоят даражада жадаллашади. Бу эса ўқувчиларнинг интеллектуал, эстетик ва маънавий оламини бойитиш, ривожлантиришга хизмат қилади. Ўқувчиларнинг мусикани ёқтириши, халқ кўшиқлари воситасида уларни гўзаллик оламига олиб кириш, ижрочилик маҳоратларидан баҳраманд бўлиш ва халқнинг мусиқа асарларини қадрлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада эътиборсизлик қилинса, енгил-елпи мусиқага қизиқиш ортиб, мумтоз мусиқий оҳанглардан узоқлашиш ҳисси пайдо бўлади.

Ёш авлодни қорақалпоқ халқ бахши-жиров кўшиқлари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда мусикани ҳиссий идрок қилишга йўналтириш энг асосий омил ҳисобланади. Мусиқа таълимида ўқувчини қизиқтириш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқиш ўқувчиларнинг эҳтиёжига айланса, уларнинг диққати ва фикри, ҳаёлини жамлашга имконият яратилади.

Қорақалпоқ халқ мусикаси орқали ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири—уларда мусиқий қобилиятнинг мавжудлигини аниқлай олишдир.

Мусиқага оид қобилият, ўз навбатида, мусиқий идрокнинг икки муҳим томонини ўзида мужассамлаштиради: а) ҳиссий билиш; б) билиш самарадорлиги.

Ҳиссий идрок ҳар бир ўқувчининг мусикадан таъсирлана олиши, унинг гўзаллигини ҳис этиши, ҳаётий воқеаларни ўз қамровига сола олишида намоён бўлади.

Билиш самарадорлиги мусикани идрок қилиш орқали ўқувчининг ўзини ўраб турган муҳит ва ҳаёт ҳақида унинг учун янгилик бўлган хабар, билимларни эгаллашга эришишдан иборат.

Қорақалпоқ халқ кўшиқларидан оладиган маълумотларнинг кенг қамровли бўлишини таъминлаш, ҳиссий таъсирчанликни ўстириш учун ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини ривожлантириш зарур. Ўқувчиларга ўргатиладиган бахшичилик ва жиров кўшиқларининг мусиқий беағи ундаги нола ва қочиримлардан унумли фойдаланган ҳолда халқ анъаналари, удумларини турли маросимлар билан узвий боғлаб, ўқувчиларга сингдириш лозимлиги билан белгиланади. Қорақалпоқ халқ мусикаси намуналари таъсирчанлигини таъминловчи асосий омиллардан бири унинг ўқувчилар ҳиссиётига тез таъсир қилиш хусусиятидир.

Мусиқий оҳангнинг юксак даражада эмоционаллиги, унинг инсон ҳиссиёт ҳамда кечинмаларига самара-

ли, кучли ва чуқур таъсир эта олишида намоён бўлади. Қорақалпоқ халқ кўшиқларини ижро этиш жараёнида сўзининг таъсирчанлиги билан биргаликда ундаги ҳаракатчанлик, имо-ишоралар, товушларнинг оҳангдорлиги, чолғу созларнинг мусиқий жозибadorлиги ўқувчиларда гўзалликка бўлган интилишни шакллантиришига кўра маънавий-ахлоқий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

Маънавий-ахлоқий тарбиялаш орқали ўқувчиларда эстетик дид, гўзалликни ҳис қилиш фазилатлари ҳам камол топади.

Марказий Осиё халқлари орасида мавжуд бўлган ва улар томонидан афсона, ривоят ва кўшиқларда ҳам маънавий-ахлоқий тарбия бош мезон сифатида намоён бўлади. Кўшиқнинг сеҳри, жозибadorлиги ҳатто тақдирдор, зулмкор ҳукмдорларни ҳам шахдидан қайтарган, адолатли бўлишга ундаган.

IX аср охири ва X аср бошларида яшаб ижод этган буюк аллома Абу Наср Ибн Муҳаммад Форобийнинг “Соф биродарлар мактуби” номли асарида мусиканинг нақадар таъсирчан эканлиги ҳақида шундай ривоят келтирилади: “Кунлардан бир куни донишманд бир киши ўз хузурига мусиқа илмининг билимдонларини чорлайди. Уларнинг ўз маҳоратларига қараб даврандан жой эгаллашларини айтади. Шу пайт саройга жулдур кийим кийган бир киши кириб келади, йиғилганларни ҳайратга солиб, мезбон ул кишини давранинг тўрига тақлиф этади. Подшоҳ ўз илтифотининг маъносини йиғилганларга билдиради: ул кишининг маҳоратлари ниҳоятда бекиёсдир, дейди ва ўз сўзининг исботи бўлиши учун ул кишидан бирор куйни ижро этиб беришларини сўрайди. Нотаниш киши ёнидан бир ёғоч асбобни чиқариб, бир-бирига улаб, шундай бир куйни чаладики, мажлис аҳли бу куй сеҳридан лол бўладилар. Меҳмон кейин яна бир куйни чалади, куй шунчалик таъсирчан ва мунгли бўладики, ўтирганлар ундан қайғуга тушадилар. Сўнг у яна бир шундай куйни ижро этадики, ўтирганларнинг барчаси ухлаб қолишади. Шундан кейин у хонадан чиқиб кетади” [3:14-16].

Ушбу ривоятда балки, муболаға ва бўрттириш кўпроқдир, лекин шуни ишонч билан айтиш керакки, ҳар қандай санъат тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига, энг нозик қалб торларига, онги, тафаккури ва ички туйғуларига таъсир этади, кишини ўйлашга, фикр юритишга, ҳаёл суришга, хулоса чиқаришга мажбур қилади. Зотан, санъатнинг бунёдкорлик қудрати ҳам ана шундадир. Ал Форобий назариясида мусиқа бошқа фанлар билан, энг аввало поэзия билан узвий боғлиқ «шеърый нутқ эвазига оҳанг кўпроқ таъсирчан ва қалбга кириб боровчи бўлади ва уларни яратишдан кўзда тутилган мақсадга эришилади» [4:261].

Демак, мана шунга ўхшаган ривоят ва афсоналарда халқнинг эзгу ниятлари, орзу-умидлари, ахлоқий фазилатлари, анъаналари ўз аксини топган. Маънавий-ахлоқий фазилат каби унинг негизини ташкил қиладиган моддий-маънавий кадриятлар ҳам тарихий ҳодисалар сифатида халқ учун хос бўлган хусусият бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб, изчил давом этиб келмоқда.

Қорақалпоқ халқ мусикаси намуналарида ифодаланган ўғитлар, намуна кўрсатиш, ўртак бўлиш, мурожаат қилиш, киноя, пичинг, кесатик каби поэтик воситалар бўлса; мусиқий оҳанг, махсус кўринишлар маънавий-ахлоқий тарбия манбаси сифатида хизмат қилади.

Қорақалпоқ халқ кўшиқлари муҳим ижтимоий педагогик аҳамиятга эга. Қорақалпоқ халқ кўшиқлари ўқувчиларда юксак инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, дўстга садоқат, одамларга ишонч туйғуларини шакллантиради.

Шундай қилиб, қорақалпоқ халқ мусикасиасосида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялашда:

- ўқувчи – ёшларнинг мусиқага бўлган қобилият-

ларини аниқлаш, шунингдек, психологик ва педагогик тамойиллар, шарт-шароитлар, омиллар, қонуниятларга амал қилиш;

- ўқувчи-ёшларни педагогик руҳий жиҳатдан миллий мусиқа санъат сирларини билишга тайёрлаш;

- санъат намояндаларининг илғор тажрибаларига, санъат оламида илғари сурилган назарий ғояларга таяниш;

- кенг жамоатчиликни педагогик ва мусиқий билимлар билан қуроллантириш;

- бахшичилик ва жировчилик санъати бўйича илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш, чоп этиш ва уларнинг ҳар бир ўқувчи қалбига кириб боришини

таъминлаш, ОАВ да махсус рукнлар ташкил этиш;

- миллий мусиқа санъати борасида тўпланган тарихий тажрибани илмий-назарий ўрганиш, ҳулоса ва тавсияларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда Қорақалпоқ халқ мусикасини ўрганиш орқали ўқувчилар маънавий қадриятларнинг таъсир кучи, халқимизнинг миллий характери, ғоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик дид ва маданият, иқтисодий, ақлий, гўзалликни қалбдан идрок қилиш каби тушунчаларга эга бўладилар. Шунинг учун, Қорақалпоқ халқ мусикаси ўқувчиларда ахлоқий ғозилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. / «Халқ сўзи» 2020, 25-январь №19 (7521) сони.

2. Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори (DSc) олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент: 2016.

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 224-б.

4. Аль Фараби. «О классификации наук» в книге музыкальная эстетика стран Востока. –М.: Музыка, 1967. –С. 261.

5. Моянов Ы. Қорақалпоқ халқ мусикаси асосида ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий ғозилатларини шакллантиришнинг хусусиятлари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. -Тошкент: 2019. 153-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида қорақалпоқ халқ қўшиқлари орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ғозилатларини шакллантиришда мусиқа санъатининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган. Қорақалпоқ халқ қўшиқлари ўқувчиларда юксак инсоний ғозилатлар: ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, дўстга садоқат, одамларга ишонч туйғуларини шакллантириши ҳақида ҳам сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация о значении музыки в формировании духовно-нравственных качеств учащихся через каракалпакские народные песни в общеобразовательных школах. Каракалпакские народные песни повествуют студентам об их высоких человеческих качествах: патриотизме, любви к работе, верности дружбе, уверенности в людях.

SUMMARY

The article provides information on the importance of music in shaping the spiritual and moral qualities of students through Karakalpak folk songs in secondary schools. Karakalpak folk songs speak to students about their high human qualities: patriotism, love for work, commitment to friendship, confidence in people.

ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАРДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ БАЁН ЭТИШ (“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида)

*А.Набиев - техника фанлари номзоди
Тошкент кимё-технология институти*

Таянч сўзлар: модулли таълим, муаммоли таълим, дидактика, матн, компетенция, интерфаол, констрўкция, эпюра.

Ключевые слова: модульное образование, проблемное образование, дидактика, текст, компетентность, интерактивность, дизайн, эпюра.

Key words: modular education, problem education, didactics, text, competence, interactivity, design, epyura.

Замонавий дарслик мураккаб ахборот манбаи бўлиб, унда қамраб олинган ўқув-билув материаллари эътиқодга айланган билим, кўникма ва малакалар, сифатнинг таянч мажмуи ҳисобланган компетенцияни дидактика тамойиллари асосида шакллантириш баробарида таълим олувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга ва керакли ўқув-билув материалларини мустақил излаш ва топишга, амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ҳамда таълим олувчиларнинг маълум ғозилатларини шакллантиришга йўналтирилган ҳолда педагогик ва ахборот технологиялари асосида яратилганлиги билан аҳамиятлидир [1].

Дарслик аслида ўқитилиш ва ўрганилиш лозим бўлган ўқув-билув материаллари - билимларни мазмунмоҳияти ва ҳажмини муайян кетма-кетлик ва изчилликда белгилаш ёки ифодалашга йўналтирилган матнли босма ахборот ташувчи таълим воситаларининг вазифаси ва мавқеи жиҳатидан энг муҳим ва мукамал моделидир.

Дарслик тузилмасини лойиҳалаштириш натижаси ўқув дастурига мос равишда ва дидактик талаблар асосида ўқув-билув материаллари мазмунининг бўлимлар, боб ёки модуллар, мавзулар бўйича кетма-кет тақсимланишига боғлиқдир. Дарсликнинг ушбу барча қисмлари мазмунан тугалланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган алоҳида тузилмалар сифатида ўзаро боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, дарсликда асосан фanning илмий, назарий-амалий жиҳатлари, таълим мақсадлари, тадқиқот мавзуи ва метод (усул, услўб)лари, ўқув материаллари, дидактик материаллар, таълим бериш ва

таълим олиш технологиялари қабилар изчил, динамик моделда матнли шаклда, яъни ёзма тизимда мақсадли баён этилади.

Дарслик яратишда таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг таълим мақсадидан қаноатли натижага эришишга йўналтирилган таълим жараёнини шакллантириш ва амалга оширишда дарслик тузилмасининг ўрни муҳим бўлиб, унда матнларни лойиҳалаштириш, таълим мақсадларини топшириқларга айлантириш ва педагог-талаба ҳамкорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Матнларни тўғри ва сифатли лойиҳалаштириш энг аввало таълим мазмунини белгилайдиган таълим стандартлари, намунавий ўқув режа ва ўқув дастурлар доирасида ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ишчи ўқув режа ва ишчи ўқув дастурларга боғлиқдир. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фанларнинг асосий мақсадидан келиб чиқувчи ўрганиш ва тадқиқот мавзуини тўлиқ қамраб оладиган барча мавзуларни изчил ва динамик кетма-кетликда акс эттириш зарур.

Бундан ташқари матнларни лойиҳалаштириш педагогдан таълимда назарий ва амалий билимлар боғлиқлиги ва узвийлиги-узлуксизлигини таъминлашга йўналтирилган дидактик қобилиятни ҳам талаб этади, чунки дидактик жараён ўқув машғулотли шакллари анъанавий ёки ноанъанавий ёхуд яқка тартибли бўлишдан қатъий назар, дарс машғулотли бошланган заҳотиёқ таълим олувчилар диққатини жалб қила оладиган мотивация вужудга келиши биланоқ бошланади.

Муаллиф ўзининг илмий изланишлари ва кўп йил